

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

САФАЕВА ШОХИДА ТОХИРОВНА

ЎРТА ОСИЁ ФЛОРАСИГА ОИД *FERULA ASSAFOETIDA L.*
ЖИГАРНИНГ САФРО АЖРАТИШ ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИНИ
ЎРГАНИШ

14.00.17 – Фармакология ва клиник фармакология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ-2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Сафаева Шохида Тохировна

Ўрта Осиё флорасига оид *Ferula Assafoetida L.* жигарнинг сафро
ажратиш фаолиятига таъсирини ўрганиш..... 3

Сафаева Шохида Тохировна

Изучение влияния *Ferula Assafoetida L.* из флоры Средней Азии на
желчевыделительную функцию печени..... 21

Safaeva Shokhida Tokhirovn

Study the influence of *Ferula Assafoetida L.* from flora of Central Asia to
bile excretory function of liver..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

САФАЕВА ШОХИДА ТОХИРОВНА

ЎРТА ОСИЁ ФЛОРАСИГА ОИД *FERULA ASSAFOETIDA L.*
ЖИГАРНИНГ САФРО АЖРАТИШ ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИНИ
ЎРГАНИШ

14.00.17 – Фармакология ва клиник фармакология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ-2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1366 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Раҳманов Алишер Худайбердиевич
тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Зуфаров Пулат Соатович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Аминов Салоҳиддин Джураевич
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент фармацевтика институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2- уй. Тошкент тиббиёт академияси. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жигар касалликларини комплекс даволашда ишлатиладиган фармакологик воситалар сони кўп бўлса ҳам, уларнинг орасида танлаб таъсир қилувчи препаратлар нисбатан кичик гуруҳни ташкил этади. Маълумки, «доривор ўсимликлар организмнинг хасталиклар натижасида келиб чиққан турли хил физиологик бузилишларни бартараф этиш хоссасига эгадирлар»¹. Бу борада синтетик дори воситаларига нисбатан организмга ножўя таъсири кам бўлган, доривор ўсимликлар асосида тайёрланган янги дори воситаларини яратиш, фармакологик хоссаларини ўрганиш ва амалиётга тадбиқ қилиш фармакологиянинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Турли хил этиологияли жигар касалликлари билан оғриган беморларнинг сезиларли даражада кўпайишини ҳисобга олган ҳолда, гепатобилиар тизим касалликларини фармакотерапиясини такомиллаштириш замонавий фармакология ва клиник гепатологиянинг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Дунё бўйлаб гепатобилиар тизим касалликларида қўлланиладиган дори воситаларнинг даво самарадорлиги ва ножўя таъсирларини олдини олишни такомиллаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқот ишлар олиб борилмоқда. Аммо ҳозирда амалиётда қўлланилаётган гепатопротектор таъсирга эга бўлган дори воситалари кенг қамровга эга эканлигига қарамадан, юқори фармакологик фаоллик намоён этадиган, минимал ножўя таъсирга эга янги дори дармонларга бўлган талаб юқориликгача қолмоқда. Оптимал таъсир этувчи миқдор ва концентрацияси белгилаш, шунингдек, тажриба ҳайвонлари организмга ўрганилаётган воситаларнинг умумфармакологик таъсирини тавсифлаш турли хилдаги ўткир токсик гепатитларга қарши хусусиятларини баҳолаш ва уларни самарали даволаш механизмини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳоли орасида турли даражадаги сурункали касалликлар тарқалишини камайтириш ва олдини олишга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада маҳаллий хом ашё ресурсларига таянган ҳолда сифатли дори воситаларни яратиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишига мувофиқ «...фармацевтика sanoатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш, дори-дармонлар нархларининг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш; аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умр узайишини

¹ Stickel F., Hellerbrand C. Herbs to treat liver diseases: More than placebo?//Clinical Liver disease.-2015.-Vol.6, №6.-P.136-138.

таъминлаш...»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада жигар хасталикларини даволаш учун маҳаллий хом-ашёлар асосида тайёрланган, импорт ўрнини босувчи юқори самарадор дори воситаларини яратиш ва амалиётга кенг тадбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590–сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сассиқ коврак озиқ-овқатларни хушбўйлантирувчи восита сифатида, шунингдек дунёнинг кўплаб мамлакатларида қатор касалликларни даволашда анъанавий дори воситаси сифатида ишлатилади. Sahebkar A, Iranshahi M.,2010; Takeoka G.,2001; Lee CL et al., 2009; Mahendra P, Bisht S.,2012; Al-Jafari AH et al., 2012, изланишлари натижаларига кўра сассиқ ковракнинг антиоксидант фаоллиги ва спазмолитик таъсирга эга эканлиги аниқланган. (Dehpour A.A et al.,2009; Kavooosi G,Rowshan V.,2013). Khazdair M.R, Boskabady M.H., 2015 йилда сассиқ ковракнинг асаб тизимига, хусусан нейропротектив ва нейро-рағбатлантирувчи таъсириларини , (Tayeboon G.S. et al.,2013; Moghadam F.H. et al.,2014), шунингдек периферик нервларнинг тикланиш жараёнига ижобий таъсири ўрганилган Тозаланмаган экстракт тегишли замбуруғ ва бактерияларни ўсишини сусайтириб, кенг спектрдаги антимикроб фаолликни намойиш этган (Kavooosi G, Rowshan V., 2013).

Ўзбекистон олимлари сассиқ ковракдан ажратилган бирикмаларнинг фармакологик хусусиятларини ўрганишга катта ҳисса қўшдилар. Ахмадхўжаева Х.С., Курмуков А.Г. (1998 йил) ушбу ўсимликдан ажратилган фаол моддаларни тухумдонларнинг функционал ҳолатига таъсирини "Гефестерол" препарати (таблетка) шаклида ўрганиб, илмий-тадқиқот ишлари ўтказилган. Туляганов С.Х., Набиев А.Н. (2017 йил) томонидан *Ferula assafoetida* қатронининг яллиғланишга қарши таъсири ва

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

простатопротектив фаоллиги ўрганилган. Исломова Ж.И. (2020 йил) томонидан тадқиқотларда "Феруламб"- *Ferula tadshikorum* қатронинг паразитларга қарши таъсири, шунингдек антипротозой фаоллигини кўрсатиб берган.

Ушбу соҳада эришилган ютуқларга қарамай, тиббиётда гепатобилиар тизим касалликларида қўлланиладиган дори воситаларнинг фармакологик таъсири ва етарли даражадаги клиник самарадорлиги билан бир қаторда ножўя таъсирлари ҳам мавжуд. Дори воситаларининг ножўя таъсири ривожланишини олдини олишнинг энг самарали усулларида бири синтетик дори воситаларга нисбатан организмга ножўя таъсири кам бўлган, доривор ўсимликлар асосида тайёрланган воситалардан фойдаланиш истиқболли ҳисобланади.

Жигар хасталикларини даволаш учун янги самарали препаратларни яратишда доривор ўсимликлар бебаҳо манбаъ ҳисобланади. Бундан ташқари, доривор ўсимликлар инсон организмига кам зарарли, минимал ножўя таъсирга эгаллиги билан бошқа турдаги дори воситаларидан устун туради. Доривор ўсимликларни самарадолиги ва хавфсизлигини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар жигарнинг турли хасталикларини самарали даволаш учун қўлланиладиган воситалар арсеналини тўлдириш имконини беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот Тошкент Тиббиёт Академиясининг АДСС 15.27.6 "Маҳаллий доривор ўсимликлар йиғмасидан янги гепатопротектор ва сафро ҳайдовчи воситаларни яратиш" (2015-2017) ва 01.1800223 "Баъзи патологик ҳолатларни ривожланишининг молекуляр ҳужайравий механизмлари ва уларни тузатиш" (2019-2022) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади турли ўткир токсик гепатит моделларида жигар функционал ҳолатига сассиқ коврак қатрони ва Легалоннинг специфик фаоллиги ва фармакологик таъсирини қиёсий баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жигар турли гепатотоксинлар билан шикастланганда унинг сафро ажратиш фаолиятига сассиқ коврак қатрони ва Легалон таъсирини қиёсий баҳолаш;

ўткир токсик гепатитда Сассиқ коврак қатрони ва Легалоннинг қоннинг баъзи биокимёвий кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш;

ўткир токсик шикастланишда Сассиқ коврак қатрони ва Легалонни жигарнинг сафро ажратиш фаолиятига профилактик таъсирини баҳолаш;

жигарни ўткир токсик шикастланишида каламушларда профилактик қўлланганда Сассиқ коврак қатрони ва Легалоннинг қон зардобининг баъзи биокимёвий кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

сассиқ коврак қатронининг холеретик ва гепатопротектив таъсир механизмининг баъзи жиҳатларини аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида *Ferula assafoetida L* илдизи қатронидан ишлаб чиқарилган кукун ва стандарт гепатопротектор "Легалон"

таққослаш препарати, тетрахлорометан, гелиотрин ва парацетамолли ўткир гепатит чақирилган жинсий жиҳатдан етилган эркак каламушлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида сассиқ коврак қатронининг сафро ҳайдовчи ва гепатопротектор хусусиятларини аниқлаш учун турли хил таъсир механизмига эга бўлган гепатотоксинлар томонидан чақирилган жигарнинг ўткир шикастланиш моделларида ҳайвонлардан олинган сафро, қон ва қон зардоби олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотларида ТГА, ОТМИТЛ базасида физиологик, патофизиологик, фармакологик, фармакодинамик, биокимёвий, инструментал ва статистик тадқиқотлар усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор сассиқ коврак қатрони тажрибада экспериментал қўлланганда тетрахлорометан, гелиотрин ва парацетамол ёрдамида чақирилган ўткир токсик гепатит кечиши хусусиятлари билан орасидаги боғлиқлик аниқланган; сассиқ коврак қатронининг сафро ажралишини ва унинг кимёвий таркибини рағбатлантириш хусусияти аниқланган;

ўткир токсик гепатитда сассиқ коврак қатрони билан экспериментал даволаш ёт моддаларнинг биотрансформациясига яққол тикловчи таъсир кўрсатиши исботланган;

илк бор ўткир жигар шикастланишининг турли хил моделларида сассиқ коврак қатрони липидларни пероксидли оксидланиш жараёнларини сусайтириши, цитоллиз ва холестаза ҳолатларини, шунингдек жигарда метаболизмга учрайдиган дори воситалар фармакодинамикасини бузилишини бартараф қилиши аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўткир токсик гепатитнинг турли хил моделларида сассиқ коврак қатронининг самарали сафро ҳайдовчи восита эканлиги тажрибада аниқланган;

сафро ҳайдовчи восита нуқтаи назаридан сассиқ коврак қатрони маълум бўлган кенг қўлланилувчи сафро ҳайдовчи ва гепатопротектор препарат бўлган Легалонга нисбатан устунликка эга эканлиги асосланган.

Ferula assafoetida L. узоқ муддат давомида тажриба остидаги жониворларга қўлланилганда унинг токсиклиги ва ножўя таъсирларининг юзага чиқмаслиги аниқланган;

ўтказилган тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш *Ferula assafoetida* L. асосида сафро ҳайдовчи ва гепатопротектор таъсирга эга янги самарали дори воситасини яратиш истиқболларини очиб берган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий тадқиқот ишида назарий ёндашувлар ва усулларни қўллаш, услубий жиҳатдан тўғри амалий тадқиқотлар, ҳайвонларнинг сони тажриба учун етарлича бўлганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, бир-бирини тўлдирувчи фармакологик, биокимёвий ва токсикологик усулларга асосланган илмий тадқиқотлар ва *Ferula assafoetida* L. турли хилдаги ўткир гепатитларда фаоллигини фармакологик самарадорлигини баҳолаш учун олинган

материалларни қайта ишлашнинг статистик усуллари, хорижий ва маҳаллий тадқиқотларнинг тасдиқланган натижалари билан таққосланганлиги, шунингдек олинган ҳулоса ва натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *Ferula assafoetida L.* илдизи таркибидаги моддаларни оғиз орқали юборилганда, жигар ташқи секретор фаолиятини яққол рағбатлантирувчи ва турли хил этиологияли ўткир гепатитларда сафронинг кимёвий таркиби бузилишларини, "жигар синамалари" натижаларида яққол ифодаланган юқори даражадаги гепатопротектор фаолликни намоён этиб, цитолитик ва холестатик синдромларни, шунингдек гипербилирубинемия ва гипопропротеинемияни бартараф қилиш имконияти мавжудлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қўлга киритилган натижалар асосида шаклланган амалий тавсияларнинг тадбиқ этилиши, *Ferula assafoetida L.* ўткир токсик гепатитларда таъсири Легалондан афзал бўлиб, унинг бу жиҳати липидларни пероксидли оксидланиш жараёнларини сусайтириши, цитоллиз ва холестаза ҳолатларини сусайтириши билан намоён бўлиб, *Ferula assafoetida L.* – сассиқ коврак қатрони оғиз орқали юборилганда турли хил таъсир механизмига эга бўлган гепатотоксинлар билан чақирилган гепатитларда юқори фаолликка эга бўлган потенциал восита сифатида амалиётга жорий этилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Экспериментал изланишларда сассиқ коврак қатрони самарадорлигини баҳолаш бўйича илмий натижалар асосида:

Ferula assafoetida қатрони фаоллигини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Сассиқ коврак қатронининг гепатопротектор фаоллигини экспериментал асослаш» услубий тавсиясинома тасдиқланган. (Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2021 йил 31 августдаги 8н-з/287 ҳулосаси). Мазкур услубий тавсиясинома маҳаллий ўсимлик манбаларининг қўлланилиши, улар орасидан жигар шикастланишларига қарши хусусиятларини рағбатлантирувчи, самарадорлиги юқори бўлган воситаларни аниқлаш имконини берган;

Диссертация ишининг олинган натижалари соғлиқни сақлаш амалиётга, хусусан Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Хоразм Маъмун академиясининг клиник амалиётга тадбиқ этилди. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 10 февралдаги 08-09/4438-сонли маълумотномаси). Олинган натижаларни амалиётга тадбиқ этилиши маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқарилган гепатобилиар тизим патологияларини даволаш учун янги препаратни яратиш истиқболларини очиб, келажакда касаллик кечишини турғунлаштириш, беморларни шифохонада даволаниш муддатини қисқартириши, ногиронликни камайтириш ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшиланишига имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та конференцияда, шу жумладан 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та, жумладан, 4 та маҳаллий ва 2 та хорижий журналларда чоп этилган,

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг талаблари ва долзарблигини, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва техника тараққиётининг устувор йўналиши билан мувофиқлигини асослаб берилган, муаммонинг ўрганилганлиги даражаси, шунингдек, диссертация мавзусини диссертация бажарилган муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан мослиги кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларини шакллантирган, объекти, мавзуси ва тадқиқот усуллари кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий тадқиқот натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар очиқ берилган.

Диссертациянинг биринчи боби икки бўлимдан иборат: «**Доривор ўсимликлардан холеретик препаратлар**», «**Ферула асафоеиданинг фармакологик хусусиятлари**» жигарнинг ташқи секретор функцияси ва сафронинг организм ҳаётий фаолиятидаги аҳамияти кўриб чиқилган. Дори воситасини яратилиш масалалари ёритилиб, синтетик ва ўсимлик хом ашёсидан олинадиган сафро ҳайдовчи воситаларнинг қиёсий характеристикаси келтирилган. *Ferula asafoetida L.* ботаник хусусиятлари, таркиби батафсил тавсифланган. Қатронни олиш усуллари ва унинг кимёвий таркиби айниқса батафсил ёритиб берилган. *Ferula asafoetida L.* қатронининг баъзи фармакологик хусусиятлари кўрсатилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида «**Тадқиқот материаллари ва услублари**» диссертацияда қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун қўлланилган тадқиқот объекти тавсифи, услублари ва услубий ёндашувлари баён этилган. Ферула асафоеида қатронини олиш усули ёритилган. Тажрибалар дастлабки оғирлиги 165-185 г бўлган жинсий етилган эркак оқ каламушларда олиб борилган. Ҳайвонларни сақлаш экспериментал-биологик клиникаларни лойиҳалаш, жиҳозлаш ва техник хизмат кўрсатишни санитария қоидаларига мос келди. Тажрибалар клиниколди тадқиқотлар учун сифатли лаборатория (GLP) қоидаларига, шунингдек, экспериментал

тадқиқотларда фойдаланиладиган умуртқали ҳайвонларни ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенцияси қоидалари (1986) ва халқаро тавсияларга мувофиқ амалга оширилди.

Ўткир токсик гепатит тери остига тетрахлорметан, гелиотрин юбориш, шунингдек парацетамолни ичга юбориш орқали чақирилди. СКҚ турли дозаларда, Легалон эса 100 мг/кг дозада оғиз орқали юборилди. Икки серия тажрибалар ўтказилди: биринчисида терапевтик, иккинчисида эса профилактик қўлланилди. Дори воситалари ва гепатотоксинларни охириги киритилишидан сўнг (барча экспериментлар туганидан кейин 24 соат ўтгач) жигарнинг сафро функцияси текширилди. СКҚ ва Легалоннинг турли дозаларидаги сафро ҳайдовчи фаоллиги тажрибада 4 соат давомида ажратилган сафронинг умумий миқдори, шунингдек унинг таркибий қисмларини концентрацияси ва миқдори бўйича баҳоланди. Жамланган соатлик порцияларда ўт кислоталари, холестерин ва билирубин концентрацияси (мг%) ва умумий миқдори (100 г тана вазнига мг) аниқланди. Биокимёвий тадқиқотлар учун ҳайвонлар енгил эфирли наркоз остида декапитация қилиниб, қон йиғилди ва гликоген миқдорини аниқлаш учун жигар ажратиб олинди. Жигардаги гликоген миқдорини аниқлаш, шунингдек қонда липид пероксидацияси маҳсулотлари - малондиальдегидини (МДА) аниқлаш Андреев Л.И. ва бошқ., (2011) усулида амалга оширилди. СКҚ ва Легалоннинг гепатопротектор фаоллиги жигар токсик шикастланишининг турли хил моделларида «Дори воситаларини клиниколди тадқиқотларини ўтказиш бўйича қўлланма»га мувофиқ жигар фаолиятини намоён этувчи турли биокимёвий маркерларни аниқлаш орқали баҳоланди. Қон зардоби таркибида умумий оқсил, альбумин, умумий билирубин, аланинаминотрансфераза (АЛТ), аспартатаминотрансфераза (АСТ), гаммаглутамилтрансфераза (ГТТ) ва ишқорий фосфатаза (ИФ)нинг фаоллиги аниқланди. Биокимёвий тадқиқотлар фотометрик усулда Human (Германия) ва Cypress diagnostics (Белгия) тест тўпламлари ёрдамида яримавтоматик биокимёвий анализатор Mindray (China, 2014 й) да бажарилди.

Лаборатория ҳайвонларида жигарни зарарсизлантириш фаолияти этаминал ва хлоралгидрат синовлари натижаларига кўра баҳоланди. Ушбу тест препаратлари жигар оксидазалари фаолигини кўрсатиб беради, чунки уларнинг биотрансформацияси фақат гепатоцитларда амалга оширилади. Олинган тадқиқот натижалари статистик усулда Biostat 2009 дастурий таъминот тўплами ёрдамида қайта ишланди, натижалар ўртача (M) ва ўртача кўрсаткични стандарт хатолиги (m) кўринишида тақдим этилди. Статистик ишонарли ўзгаришлар фарқ даражаси 95% ва ундан кўп ($p < 0,05$) бўлганда қабул қилинди.

Диссертация ишининг «**Сассиқ коврак қатрони ва Легалоннинг сафро ва унинг таркибий қисмларининг секрециясига таъсирини, шунингдек экспериментал ўткир гепатитда қоннинг баъзи биокимёвий кўрсаткичларини қиёсий ўрганиш**» деб номланган учинчи бобида дори воситаларини жигарнинг сафро ҳосил қилиш фаолиятига таъсири, шунингдек, гепатит ривожланишининг турли механизмлари эга бўлган ўткир

токсик гепатитларда қоннинг баъзи биокимёвий кўрсаткичларига таъсирга оид тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Адабиёт маълумотлари *Ferula assafetida L.* қатронини жигарнинг функционал ҳолатига ижобий таъсир кўрсатишидан далолат беради. Шу билан бирга, *Ferula assafetida L.* дан олинган қатронларни жигарнинг функционал ҳолатига таъсирини мақсадли ва чуқур ўрганиш етарли даражада амалга оширилмаган. Шу муносабат билан СКҚ нинг жигар функционал ҳолатига таъсирини ўрнатиш катта қизиқиш уйғотди. Маълумки, сафро бу жигарнинг ўзига хос бўлган ташқи секретор фаолияти маҳсулидир, шунинг дори воситаларини соғлом организмда жигарнинг сафро ҳосил қилиш фаолиятига таъсирини ўрганиш ва янги сафро ҳайдовчи воситалар яратилиш босқичларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, наркоз қилинган эркак каламушлар 4 соатлик тажриба давомида, ҳайвон танасининг 100 г вазнига нисбатан ўртача $1,23 \pm 0,11$ мл сафро чиқади. СКҚ ни 10 мг/кг дозада битта маротаба профилактик қўлланилиши сафро ҳажмининг сезиларли даражада ошишига олиб келмади. Аммо 25 мг/кг дозада препарат секреция ҳажмини 9,0% га, 50 мг/кг дозада - 24,4% ва 100 мг/кг дозада - 13,8% га оширди.

Биобарин, СКҚ соғлом ҳайвонларда жигарнинг ташқи секретор функциясини, айниқса 50 мг/кг дозада рағбатлантиради, бу эса жигарнинг сафро ҳосил қилиш фаолиятини таъминлаш учун жавобгар бўлган биокимёвий жараёнларнинг рағбатлантиради. Замонавий талабларга мувофиқ, гепатобилиар тизим патологияларида қўлланиладиган янги фармакологик воситаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишда, уларни жигар патологияларининг турли хил моделларида ва биринчи навбатда тетрахлорметан билан чақирилган жигар ёғли дистрофиясининг классик моделида ўрганиш талаб этилади.

Экспериментал тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, ўткир гепатитда жигарнинг ташқи секретор фаолияти сусаяди ва сафронинг асосий таркибий қисмларини миқдори камаяди. Гепатитли каламушларда соғлом каламушларга нисбатан сафро миқдори деярли икки баравар камайди, бу эса сафро кислоталари, холестерин, билирубин миқдори мос равишда 42,8%, 42,1% ва 47,3% га камайиши билан кечди. СКҚ таъсири остида экспериментнинг тўрт соатида ажратилган нафақат сафро миқдори, балки унинг асосий таркибий қисмларида ҳам ўсиш қайд этилди. Шундай қилиб, СКҚ ни 25 мг/кг дозада қўлланганда, сафро миқдори даволанмаган гуруҳга нисбатан 11,1% га ошди ва сафро кислоталари, холестерин ва билирубин миқдори мос равишда 7,4%, 21,0% ва 31,8% га ошди. Препарат икки баравар юқори дозада сезиларли даражада рағбатлантирувчи таъсирга эга бўлиб, у сафро миқдорини 82,5% га, ундаги сафро кислоталари миқдорини - 66,9% га, холестерин - 68,4% га ва билирубин - 86,1% га ошишига олиб келди. Шуниси эътиборга лойиқки, ушбу натижалар соғлом каламушлардан сезиларли даражада фарқ қилмади. СКҚ 100 мг/кг дозада қўлланилганда қайд этилган натижаларнинг сезиларли даражада ошишига олиб келмади. Ўткир гепатитда

Легалон сафро миқдорини 57,1% га, ундаги сафро кислоталари, холестерин ва билирубин миқдорини 56,0%, 46,1% ва 60,9% га оширди (1-жадвал).

1-жадвал

Ўткир тетраклорметанли гепатитда жигар сафро ажратиш функциясига ва унинг биокимёвий таркибига СКҚ ва Легалоннинг таъсири

($M \pm m$, $n=6$)(4 соат давомида 100гр вазнга нисбатан)

Кўрсаткичлар Гуруҳлар	Доза, мг/кг	Сафро ҳажми, мл	Сафро кислотаси, мг	Холестерин, мг	Билирубин, мкг
Соғлом	-	1,21 ± 0,08	5,65 ± 0,39	0,202 ± 0,016	113,49 ± 11,04
ЎТГ + H ₂ O	-	0,63 ± 0,06*	3,23 ± 0,32*	0,117 ± 0,010*	59,75 ± 3,43*
ЎТГ + СКҚ	25	0,70 ± 0,07*	3,47 ± 0,45*	0,142 ± 0,018*	78,75 ± 8,79
ЎТГ + СКҚ	50	1,15 ± 0,07•	5,39 ± 0,36•	0,197 ± 0,019•	111,23 ± 12,59•
ЎТГ + СКҚ	100	1,03 ± 0,09•	5,17 ± 0,27•	0,183 ± 0,014•	99,98 ± 10,68•
ЎТГ + Легалон	100	0,99 ± 0,07•	5,04 ± 0,30•	0,171 ± 0,014	96,12 ± 8,12•

Изох: * - соғлом гуруҳга нисбатан аниқлиги, • – даволанмаган гуруҳга нисбатан аниқлиги.

Шундай қилиб, СКҚ яққол даволовчи таъсирга эга бўлиб, жигарнинг сафро ҳосил қилиш фаолияти билан баҳоланувчи функционал ҳолатини тикланиши билан намоён бўлади, самарадорлиги жиҳатидан эталон гепатопротектор - Легалондан кам эмас. Гелиотрин билан чақирилган ўткир гепатит одамларда учрайдиган вирусли гепатитнинг адекват модели ҳисобланади. Бу гепатит модели бўйича ўтказилган тажрибалар натижалари жигарнинг ташқи секретор функцияси ва сафронинг кимёвий таркибини яққол бузилишини кўрсатди. Шундай қилиб, тажриба каламушларида соғлом ҳайвонлар билан таққослаганда сафро миқдори 74,2% га, сафро кислоталари миқдори 57,6% га, холестерин 53,5% га ва билирубин 54,6% га камайганлиги аниқланди. СКҚ ва Легалон юқоридаги бузилишлар даражасини камайтирди, бироқ уларнинг даражаси қўлланилган дори дозасига боғлиқ бўлди. Шундай қилиб, СКҚ 25 мг/кг дозада ажратилган сафро миқдорини даволанмаган ҳайвонлар билан солиштирганда 83,9% га, ўт кислоталарини 14,7% га, холестеринни 35,8% га ва билирубинни 39,6% га оширди. Бироқ, бу ўзгаришлар соғлом каламушлар кўрсаткичларига эришишга имкон бермади. СКҚ дозасининг икки барабар кўпайиши соғлом каламушлардан сезиларли даражада фарқ қилмайдиган ўзгаришларга олиб келди. Шундай қилиб, СКҚ билан 50 мг/кг дозада даволанган ҳайвонларда сафро миқдори 196,8% га, сафро кислоталари - 123,9% га, холестерин - 94,3% га ва билирубин - 94,7% га ошди. Препарат дозасини янада ошириш таъсирнинг сезиларли даражада ошишига олиб келмади. Легалон олган ҳайвонлар гуруҳида ҳам ижобий терапевтик таъсир қайд этилди. Легалон таъсири остида экспериментнинг бутун даврида чиқарилган сафро миқдори 141,9% га, ўт кислоталари 104,8% га, холестерин 74,5% га ва билирубин 61,7% га ошди.

Шундай қилиб, СКҚ ни ўткир гелиотринли гепатитли каламушларда қўллаш, жигарнинг ташқи секретор функцияси кўрсаткичларини ва сафронинг кимёвий таркиби билан баҳоланадиган жигарнинг функционал

ҳолатини яққол тиклайди. Препарат фармакотерапевтик самарадорлиги машхур гепатопротектор Легалондан кам эмас, балки устундир.

Парацетамол турли хил шифобахш хусусиятларга эга бўлганлиги сабабли тиббиёт амалиётида кенг қўлланиладиган ЯҚНСП лардан биридир. Аммо унинг метаболити *N* - ацетил – *p*-бензохинонимин гепатотоксик, нефротоксик таъсирга эга (гепатоцитлар ва буйрак каналлари некрози). Парацетамол келтириб чиқарадиган гепатитни даволашда СКҚ ни самарадорлигини аниқлаш муҳим назарий ва амалий қизиқиш уйғотди. Парацетамол таъсирида жигарнинг ташқи секретор функцияси сезиларли даражада сусайиши сафро (55,7% га), ўт кислоталари (41,1%), холестерин (44,5%) ва билирубин (50,7%) миқдорларини деярли икки баравар камайиши кузатилди. Натижада, парацетамол, каламушларга қайта киритилганда, жигар функционал ҳолатининг сезиларли депрессиясини келтириб чиқарди. СКҚ билан ўтказилган экспериментал терапия нафақат сафро секрециясини (101,7%), балки ўт кислоталари (46,6% га), холестерин (54,6% га) ва билирубинни (56,1% га) ажралишини рағбатлантиради. Олинган натижалар СКҚни Легалон препаратидан устунлигини кўрсатади. Шундай қилиб, парацетамолли гепатитда жигарнинг ташқи секретор функцияси ва сафронинг кимёвий таркибини сезиларли даражада бузилиши СКҚ ни даволовчи қўллаш билан яққол бартараф этилади.

Фармакологик воситаларнинг клиник шароитларда даволовчи таъсири гепатобилиар тизим патологиясида бир қатор синдромларни ривожланиш даражасини акс эттирувчи қоннинг биокимёвий кўрсаткичларини меъёрлаштириши билан намоён бўлади. Шунга асосланиб, СКҚ ни ўткир гепатитли каламушларда қон зардобининг биокимёвий кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш катта қизиқиш уйғотди. Натижалар ушбу патологияда ўрганилган гепатопротекторларнинг ўзига хос терапевтик таъсирини кўрсатди. Шундай қилиб, ўткир тетрахлорметан гепатитли каламушларда АлАТ фаоллиги 181,6% га, АсАТ - 32,9% га, ИФ - 96,0% га ва ГГТ - 125,7% га ўсди, булар умумий билирубинни 75,7% ошиши ва умумий оқсил ва альбумин миқдорини мос равишда 26,6% ва 34,0% га камайиши билан бирга кечди. Бинобарин, тетрахлорметан томонидан чақирилган ўткир токсик гепатит кўп даражада цитолитик ва холестатик синдромлар, гипербилирубинемия, шунингдек гипопро테인емия ривожланиши билан бирга кечади. СКҚ яққол шифобахш таъсири кўрсатди. Унинг таъсири кўп жиҳатдан препаратнинг дозасига боғлиқ бўлди. Шундай қилиб, препарат 25 мг/кг дозада АлАТ фаоллигини 32,4% га пасайишига олиб келган бўлса, 50 мг/кг дозада - 52,9% ва 100 мг/кг дозада - 48,1% га камайишига олиб келди. Препаратнинг кўрсатилган дозалари қўлланганда даволанмаган гуруҳга нисбатан АсАТ фаоллигининг пасайиши мос равишда 13,7%, 20,4% ва 17,8% ни ташкил этди. Ушбу фонда ИФ ва ГГТ фаоллигининг пасайиши 7,0% ва 8,8%, 41,0% ва 43,4%, шунингдек, мос равишда 37,7% ва 39,5% ни ташкил этди. Ферментлар фаоллигидаги бу ўзгаришлар умумий оқсил ва альбумин миқдорини тикланиши, шунингдек қон зардобда билирубин концентрациясини пасайиши билан бирга кечди. Кўриниб турибдики, СКҚ 50 мг/кг дозада қўлланганда энг яхши терапевтик таъсирга эга.

Шуниси эътиборга лойикки, препаратнинг сўнгги дозадаги терапевтик таъсири Легалоннинг фармакотерапевтик таъсиридан сезиларли даражада фарк қилмайди.

Шундай қилиб, юқорида баён қилинган экспериментал тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш асосида хулоса қилиш мумкинки, СКҚ ўткир тетрахлорметан гепатитида намоён бўлувчи цитолитик ва холестатик синдромлар, шунингдек гипербилирубинемия ва гипопропротеинемияни яққол бартараф этувчи терапевтик самарага эга. Таъкидлаш жоизки, препарат самарадорлиги бўйича Легалондан кам эмас.

Жигарнинг гелиотрин билан шикастланиш модели тетрахлорметанга қараганда анча оғир гепатит ривожланади. Гелиотрин билан чақирилган гепатитда СКҚ яққол самара кўрсатди. Гелиотрин келтириб чиқарадиган гепатитда унинг самарадорлигини ўрганиш алоҳида қизиқиш уйғотди. Ўткир гелиотринли гепатитли каламушларда ферментлар фаоллигининг сезиларли даражада ошиши қайд этилди. Шундай қилиб, интакт хайвонлар билан таққослаганда, АлАТ фаоллиги олти баравардан юқори бўлиб, бу АсАТ фаоллигини 179,2% га, ИФ - 144,5% га ва ГГТ - 206,4% га, шунингдек умумий билирубинни 145,7% га кўпайиши билан бирга кечди ва умумий оқсил миқдори 39,4% га, альбумин 42,3% га камайиши билан кечувчи гипопропротеинемия кузатилди. Аксинча, СКҚ ни 25 мг/кг дозада қабул қилган хайвонлар гуруҳида АлАТ, АсАТ, ИФ ва ГГТ фаоллиги мос равишда 40,3%, 12,1%, 26,2% ва 21,2% га камайди ва 50 мг/кг дозада, АлАТ фаоллиги 75,4%, АсАТ 49,7%, ИФ 53,0% ва ГГТ 56,2% паст бўлган. СКҚ нинг ушбу дозаси таъсирида ферментлар фаоллиги билан бир қаторда, билирубин миқдорини 47,6% га пасайиши, шунингдек умумий оқсил ва альбумин миқдорининг мос равишда 52,4% ва 57,8% га кўпайиши кузатилди. Препарат дозасини икки баравар кўпайиши қайд этилган таъсирнинг ошишига олиб келмади ва Легалон самарадорлиги даражасида бўлди.

Шундай қилиб, СКҚ 50 мг/кг дозада ўткир гелиотрин гепатитли хайвонларда цитолитик ва холестатик синдромларни, гипопропротеинемия, гипербилирубинемияни бартараф қилишда яққол фармакотерапевтик таъсир кўрсатди. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, СКҚ препарати зарарланган жигарнинг функционал ҳолатига сезиларли терапевтик таъсир кўрсатади. Каламушларда парацетамол келтириб чиқарадиган ўткир гепатит АлАТ ва АсАТ фаоллигининг мос равишда 258,0 ва 457,0% га кўпайиши билан бирга келди, бу цитолитик синдромни сезиларли даражада ривожланишини кўрсатади. Ушбу фонда ИФ фаоллиги 173,2% га ва ГГТ 74,1% га ўсиши кузатилди, бу эса холестатик синдром ривожланишини кўрсатади. Шу билан бирга, умумий оқсил ва альбумин миқдорини 21,3 ва 23,0% га пасайиши аниқланди, бу гипопропротеинемия мавжудлигини кўрсатмоқда. Ушбу ўзгаришлар, қондаги умумий билирубин миқдорини сезиларли даражада (223,4% га) ошиши билан бирга намоён бўлди.

СКҚ ни 50 мг/кг дозада қабул қилган хайвонларда даволанмаган гуруҳ билан таққослаганда АлАТ фаоллиги 63,4% га, АсАТ 67,6% га, ИФ 46,5% га ва ГГТ 35,1% га камайди. Цитолитик ва холестатик синдромни бартараф

қилишда СКҚ нинг ижобий таъсири яққол кўринади. Бу ҳолда, препаратнинг 50 мг/кг дозаси 100 мг/кг га нисбатан бир оз самарали бўлган. Шу билан бирга, СКҚ билан даволанган ҳайвонларда, айниқса 50 мг/кг дозада, умумий оксил 22,7% га ва альбумин 27,3% га кўпайган, бу гепатоцитларнинг оксил синтез қилиш функциясини тикланганлигини кўрсатади. СКҚ сариқлик симптомини сезиларли даражада бартараф қилди, чунки қонда умумий билирубин миқдори деярли икки баравар камайди. Биз терапевтик мақсадларда СКҚ ни 100 мг/кг дозада ёки Легалон олган каламушлар гуруҳида шунга ўхшаш, аммо камроқ даражада таъсир аниқладик.

Шундай қилиб, ўткир парацетамол гепатитли ҳайвонларда СКҚ билан экспериментал даволаш цитолитик ва холестатик синдромлар, гипопроteinемия ва сариқлик даражасини сезиларли даражада пасайтиради. Шу билан бирга, препарат Легалон билан таққослаганда анча юқори фаолликни кўрсатади.

Гепатоцитларнинг монооксигеназа ферментлар тизими (МОС) нафақат жигарни зарарсизлантириш функциясини амалга оширишда, балки холестериндан сафро кислоталарини синтез қилишда ва билирубин конъюгациясида ҳам муҳим роль ўйнайди. Шу муносабат билан, ушбу тизимни ўткир гепатитда ўрганиш катта қизиқиш уйғотди. СКҚ ни МОС функционал фаолиятига таъсири «этаминал уйқу» синови асосида баҳоланди. Тадқиқот натижалари ЎТГ бўлган каламушларда ухлаш давомийлигини сезиларли даражада кўпайганлигини кўрсатди (2,5 мартадан кўпроқ) ва Легалон билан даволаш уйқуни 42,6% камайишига олиб келди. СКҚ билан даволанган ҳайвонларда худди шу йўналишдаги таъсир аниқланди, бунда уйқу давомийлигини қисқариши соғлом каламушлар қийматларига етди.

Бинобарин, ЎТГ да СКҚ этаминал натрий биотрансформацияси процесси учун жавобгар бўлган биокимёвий жараёнларни бузилишини бартараф қилади, яъни гепатоцитлар МОС нинг функционал фаоллигини тиклайди. МОС да ксенобиотикларнинг биотрансформациясининг иккинчи босқичи - конъюгация жараёни ҳам содир бўлади. Билирубин фақат глюкурон кислотаси билан конъюгацияланган шаклда чиқарилади, СКҚ ЎТГда уридиндифосфатглюкуронилтрансфераза ферменти фаоллигини рағбатлантиради деб тахмин қилиш мумкин. Ушбу тахминни аниқлаштириш учун биз хлоралгидрат билан чақирилган уйқу давомийлигини ўрганиш бўйича алоҳида тажрибалар сериясини ўтказдик, чунки унинг таъсир қилиш муддати асосан глюкуронидланиш жараёнларининг жадалилигига боғлиқ. Ушбу кетма-кет экспериментлар натижалари шуни кўрсатдики, агар ЎТГ билан ухлаш давомийлиги сезиларли даражада ошган (деярли 2,5 баравар) бўлса ва Легалон ва СКҚ билан даволанишдан кейин у мос равишда 52,7% ва 54,7% га камайди. (2-жадвал)

Бинобарин, ЎТГ бўлган ҳайвонларда СКҚ билан олиб борилган экспериментал даволаш гепатоцитларнинг функционал ҳолатини ва айниқса унинг МОС бузилишини яққол бартараф этади, бу эса ксенобиотикларнинг биотрансформация ва конъюгация жараёнларини ошишига олиб келади.

**Ўткир токсик гепатитда СКҚ ва Легалоннинг этаминал натрий,
хлоралгидрат фармакодинамикасига таъсири (M ± m, n=6)**

Кўрсаткичлар	Доза, мг/кг	Уйқу давомийлиги(минут)	
		этаминал натрия	Хлоралгидрат
Гурухлар			
Интакт	-	79,16 ± 9,23	83,33 ± 8,04
ЎТГ + H ₂ O	-	204,83 ± 21,18*	287,67 ± 18,12*
ЎТГ + СКҚ	50	102,33 ± 10,81•	130,33 ± 14,26*•
ЎТГ + СКҚ	100	115,66 ± 12,50•	143,50 ± 11,78*•
ЎТГ + Легалон	100	117,50 ± 11,17*•	136,17 ± 12,32*•

Изох: *- соғлом гурухга нисбатан аниқлиги, • – даволанмаган гурухга нисбатан аниқлиги.

